

O'zbekistonda sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • @uzssgzt, uzss@yandex.ru • 2022 йил 21 апрель • №16 (1400)

2022 ЙИЛ–ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

“ЎЗБЕКИСТОН ТИББИЁТИ — ИНСОН ҚАДРИ УЧУН”

•Сурхондарё вилояти

МАҚСАДИМИЗ–ХАЛҚИМИЗНИ РОЗИ ҚИЛИШ

Қашқадарё ва Наманган вилоятларидан сўнг Сурхондарёда тиббий саломатлик акцияси давом этмоқда

Президентимизнинг тиббиёт ходимлари билан очиқ мулоқотида белгиланган муҳим вазифалар ижроси бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Қашқадарё ва Наманган вилоятларида соғломлаштириш акциялари ўтказилгани ҳақида хабар берган эдик. Бу сафар Соғлиқни сақлаш вазирлиги Бехзод Мусаев ҳамда Сурхондарё вилояти ҳокими Тўра Боболов вилоятда муаммоли масалаларда келган мурожаатчиларни қабул қилишди. Акция доирасида Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳридаги «Соҳил» болалар оромгоҳида сайёр тиббий қабул кўтаринки руҳда бошланди.

Унда вазирлик марказий аппарати жамоаси, республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари раҳбарлари ва шифокорлари, тиббиёт олий ўқув юртлири олимлари ҳамда маҳаллий мутахассислар, жами 200 нафардан иборат махсус гуруҳ аҳолини қабул қилишга киришди. Сурхондарё – Ўзбекистоннинг жанубий дарвозаси, мамлакатимизнинг энг олис худудла-

соғломлаштириш акцияси ана шу муаммо ва камчиликларни самарали бартараф этиш мақсадида ташкил этилди. Акция Қашқадарё ва Наманган вилоятларида бўлгани каби Сурхондарёда ҳам икки босқичда ўтказилди. Биринчи босқичда пойтахтдан келган мутахассислар гуруҳлар кесимида вилоятнинг ҳар бир шаҳар ва туманига тақсимланиб, жойларда “хонадонбай” тамой-

или асосида аҳоли саломатлиги, уларни қийнаётган тиббиётга доир муаммоларни ўрганмоқда. Қайси худудда қандай касалликлар кўп тарқалган бўлса, шунга кўра, жойларга айнан шу йўналишдаги ихтисослаштирилган марказлар шифокорлари бириктириляпти. Иккинчи босқичда вазирликнинг махсус гуруҳи томонидан худудлардаги ўрганиш натижалари яқунларига кўра Термиз шаҳри ва вилоятнинг қатор туманларида сайёр тиббий қабуллар ўтказиш режалаштирилган. Бугунги тад-



кор пунктларини ташкил этиш, бирламчи тиббиёт муассасаларида кундузги стационар иш вақтини соат 20-00 га қадар узайтириш, олис ва чекка худудларда контейнер шаклидаги тиббий пунктлар фаолиятини йўлга қўйиш, тез тиббий ёрдам хизматини мақбуллаштириш бўйича ҳам аниқ чора-тадбирлар кўрилмоқда. Бундан ташқари, шу кунларда оғир касалликка чалинган, юқори технологик жарроҳлик амалиётига муҳтож сурхондарёлик беморларда давлат ҳисобидан операциялар бўлиб ўтмоқда. Бу амалиётлар пойтахтлик тажрибали шифокорлар бошчилигида муваффақиятли бажариляпти. Аслида хасталикнинг ҳар қандай тури – мураккаб синнов. Ўз вақтида ва тўғри муолажа қилинмаса, кичик жароҳат ҳам оғир асоратларга сабаб бўлиши мумкин. Аммо оғриқлардан оқ чеккиб, дардига дармон тополмай, ноумид шифтга термулиб ётган ёки туғма нуқсонлари туфайли тузалишдан батамом умидини узган оғир беморлар борки, давлатимиз, биринчи навбатда, ана шундай юртдошларимиз ҳузурига бориб, уларга тиргак бўлишни, шифо ва меҳр улашишни мақсад қилган. Бир эмас, юзлаб инсонларнинг яна ҳаётга қайтишига сабаб бўлаётган соғломлаштириш акцияси шуниси билан аҳамиятли.

ЭЪТИБОР БЕРИНГ

Бугун вилоятдаги 14 та туман ва 1 та шаҳарда 2,5 миллиондан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Бу ерда 721 та маҳалла ва 161 та бирламчи тиббиёт муассасаси фаолият юритмоқда. Сўнгги йилларда худудда соғлиқни сақлаш тизимини аҳолига янада яқинлаштириш, кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифати ва қамровини ошириш борасида сезиларли ютуқларга эришилди.

ридан бири. Бугун вилоятдаги 14 та туман ва 1 та шаҳарда 2,5 миллиондан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Бу ерда 721 та маҳалла ва 161 та бирламчи тиббиёт муассасаси фаолият юритмоқда. Сўнгги йилларда худудда соғлиқни сақлаш тизимини аҳолига янада яқинлаштириш, кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифати ва қамровини ошириш борасида сезиларли ютуқларга эришилди. Бирок соҳада ҳали ечимини кутаётган масалалар йўқ эмас. Вилоятда бўлиб ўтаётган



ва республика микёсида белгилаб олиндыпти. Юқори технологик амалиётлар талаб этиладиганларга эса шу ернинг ўзиде ордер расмийлаштирилмоқда. Сайёр қабул давомида тиббий ёрдамга эҳтиёжи бор беморларни даволаш жараёнига йўналтириш билан бирга, туман тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базаси, дори-дармонга бўлган эҳтиёжини аниқлаш, фаолиятга доир муаммоларни ҳал этиш, соҳани тажрибали ва креатив фикрловчи ёш мутахассислар билан таъминлаш масалалари ҳам комплекс таҳлил қилиниб, амалий ечимлар белгиляныпти. Шунингдек, янги оилавий поликлиникалар ва шифо-

бир бу борадаги дастлабки қадмидир. Эрта тонгдан бошланган сайёр тиббий қабулга соғлиқда муаммоси бор беморлар кела бошлади. Улар дастлаб тиббий рўйхатга олиниб, электрон тарзда тор соҳа мутахассислари кўригига йўналтирилмоқда. Шунингдек, бемор тиббий ёрдамга муҳтожлик даражасига кўра таснифляниб, кўрсатиладиган тиббий хизмат ҳажми туман, вилоят

Ушбу хайрли таъаббус туфайли санокли кунлар ичида Сурхондарёда 100 дан ортиқ мураккаб операциялар муваффақиятли ўтказилгани кичик натижа эмас, албатта. Энг муҳими, акция давом этмоқда. Эътирофлиси шундаки, маълумотларга қараганда илқунга қадар Термиз шаҳридаги сайёр тиббий қабуллар манзилига 15 000 нафардан зиёд Сурхондарёликлар ташириф буюришди. Шулардан мурожаатлар сони олти минг эллик бештани тани ташкил этмоқда.

КОНГРЕСС

ЎЗБЕКИСТОН ОНКОЛОГЛАРИ МЕХНАТИ ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ



Ушбу конгрессда Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббий марказимиздан мен ва онкогинеколог тиббиёт фанлари доктори Наргиза Захирова ва онкогинеколог Вилоят Сайдахмедовлар иштирок этдик. Шунингдек таъкидлашимиз лозимки, мустақил давлатлар орасида фақатгина Россия Федерациясидан 2 та постер маъруза бўлди. Ушбу нуфузли конгрессда оғзаки маъ-

Яқинда Германиянинг Шимолий Рейн-Вестфалия штатининг пойтахти Дюсселдорф шаҳрида EUROGEN 2022 конгресси бўлиб ўтди. Конгрессда дунёнинг турли давлатларидан келган етакчи тиббиёт ходимлари, онколог, гинеколог ва бошқа соҳа шифокорлари иштирок этди.

руза билан фақатгина Ўзбекистон давлати иштирок этди. Бундан ташқари, Ўзбекистон онкологлари томонидан “Қорақалпоғистон республикасида бачадон бўйни саратони пилот скрининги” мавзусида постер маъруза ҳам қўйилди. Ушбу нуфузли конгрессда мен ва ҳамкасбим тиббиёт фанлари доктори Наргиза Захирова томонидан тайёрланган “Ўзбекистон республикасининг Одам папиллома вируси вакцинацияси Миллий дастури” мавзусида маъруза қилдик.

Маърузамизда асосан, Ўзбекистонда яъни Марказий Осиёда биринчи бўлиб одам папилломаси вирусига қарши

9-14 ёшли қизларни оммавий эмлаш ишлари амалга оширилаётганлигини таъкидлаб ўтдик. Ушбу эмлаш билан 90 фоиз 9-14 ёшли қизларни қамраб олиниши натижасида келажакда бачадон бўйни саратони келиб чиқиши олди олиниши бўйича ҳам маълумот бердик. Жуда кўп асоратларга олиб келувчи ва кўп учрайдиган саратоннинг ушбу тури билан касалланиш аёлларда учраши бўйича барча онкологик касалликлар ичида иккинчи ўринни эгаллашини ҳисобга олсак, амалга оширилаётган ушбу эмлаш тадбири жуда муҳим ва ҳозирги кунда долзарблиги билан муҳим аҳамият

касб этишига ҳам алоҳида эътибор қаратдик. Шунингдек, маъруза давомида мамлакатимиз тиббиёт тизимида ҳам амалга оширилаётган самарали фаолиятларга ҳам тўхталдик. Бу борада онкология йўналишидаги илмий изланиш, янгилар, ҳамкорлик борасидаги фаолиятларга ҳам ургу бердик. Албатта, бу Давлатимиз раҳбари томонидан онкология соҳасига, айниқса, аёлларимиз саломатлиги йўлидаги мақсадли ишларга бўлган эътибор ва ғамхўрликнинг ёрқин ифодаси эканлиги аини ҳақиқатдир.

Йиғилган дунёнинг энг етакчи олимлари иштироғида ўтказилган Конгресс иши юқори савияда ўтказилди. Шу ўринда айтмоқчиманки, нуфузли тадбирда ўзбекистонлик онкологлар меҳнатига берилган эътироф бу биргина бизга эмас, балки республикамизнинг кўп сонли тиббиёт ходимларига берилган юксак баҳо деб биламан.

Мирзағолиб ТИЛЛЯШАЙХОВ,

Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббий маркази директори профессор.

АМАЛИЁТ, ТАЖРИБА, МАҲОРАТ

Қорақалпоғистон Республикаси

Бухоро вилояти

КОХЛЕАР
ИМПЛАНТАЦИЯ
ОПЕРАЦИЯСИ ЎТКАЗИЛДИ

*Энди узоқ Қорақалпоғистон Республикасидан
1200 км юриб пойтахтга келишмайди*

Эътирофлиси шундаки, кейинги йилларда Давлатимиз раҳбарининг мамлакатимиз тиббиёт тизимида бўлган, эътибор ва ғамхўрликлари боис, соҳада оламшумул ўзгаришлар бўлаётганлиги барчамизни қувонтиради. Айниқса, 2022 йилнинг 18 мартдаги Президентимизнинг тиббиёт ходимлари билан олиб борган “Тиббиётдаги ислохотлар инсон қадр учун” мавзусидаги очик мулоқотлари соҳа ходимлари олдида янада муҳим вазифаларни қўйди десам муболаға бўлмайди. Бундай мақсадли учрашув албатта, тиббиёт ходимларининг меҳнатига бўлган катта эътибор ва рағбатдир. Бугунги кунда қайси бир тиббиёт муассасасида бўлмайлик, замонавий шифо масканларининг янгидан бунёд этилганлиги, даволанувчилар учун кенг имкониятлар мавжудлиги, малакали кадрлар билан таъминланаётганлиги, тиббиёт ходимларининг самарали ишлаши учун яратилган шароитлардан ниҳоятда мамнунмиз. Шунингдек, Юртбошимизнинг

эзгу мақсадлари инсон қадрига қаратилганлиги бу албатта, халқимизнинг саломатлигига қаратилган эътиборнинг ёрқин ифодасидир. Дарҳақиқат, Президентимиз ташаббуси билан ихтисослаштирилган тиббий хиз-



матларни олиш минтақаларда яшайдиган болаларимиз соғлигини тиклашга жорий этиш ва маҳаллий тайёрлаш мақсадида 2022 йилнинг 18 апрель кунини Қорақалпоғистон Республикасидаги болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида юқори технологик Кохлеар имплантация операцияси муваффақиятли амалга оширилди. Маз-



кур мураккаб операция Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий педиатрия тиббиёт маркази отоларинголог шифокори тиббиёт фанлари доктори ёш олим Аминжон Амонов, аудиолог Мақсуд Махмудов, операцион



хамшира Нарине Абисономьян ва Қорақалпоғистон Республикаси болалар кўп

тармоқли тиббиёт маркази ЛОР шифокорлари Ж. Бекеев, Г. Бегалиева, Р. Абдуллаева, анестезиолог Г. Халмуратова, М. Калханов, анестезиолог ва операцион ҳамшираларимиз ҳамкорлигида олиб борилди. Беруний туманида истиқомат қилувчи 2018 йилда туғилган Алихан Садатдинов ва Нукуслик 2019 йили туғилган Артур Аралбаевларда ушбу юқори технологик Кохлеар имплантация операцияси бажарилди. Ушбу юқори технологик Кохлеар операцияси марказимизда иккинчи бор ўтказилди. Айни кунларда бемор болаларимизнинг операциядан кейинги ахволлари кониқарли. Операциядан кейинги даврда ота-оналарга аудиолог, сурдолог-логопед ва деффектологлар билан мунтазам ишлаб бориш бўйича кеоракли тавсиялар берилди.

Таъкидлашим муҳимки, бундай яратилган шароит ва имконият ҳамда имтиёزلардан аҳоли ниҳоятда мамнун бўлмоқда. Ва Давлатимиз раҳбарига ўзларининг дил изҳорларини йўлламоқда.

Алима МАТКАРИМОВА,

Қорақалпоғистон Республикаси болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бош шифокори, тиббиёт фанлари номзоди.

САЛОМАТЛИК САЙЛИ



Кунини кеча Жондор туманидаги Махмуд Торобий номидаги ватанпарварлик боғида “Фақатгина соғлом халқ, баркамол миллат буюк ишларга қодир бўлади” шиори остида аҳоли орасида чуқурлаштирилган тиббий кўриклар бўлиб ўтди.



Унда вилоятимизнинг етакчи тор соҳа ҳамда хусусий тиббиёт муассасаларининг ўттиздан ортиқ малакали мутахассислари жалб этилди.



Тиббий кўриқда фуқаролар мобил маммограф, мобил поликлиника, мобил флюорограф каби юқори технологик диагностика ускуналаридан фойдаланиш имкониятига эга бўлдилар.

Бухоро вилоят ССБ Ахборот хизмати.

ТИББИЙ ХИЗМАТ СИФАТИНИ ОШИРИШ

ХАЙРЛИ ИШЛАРНИНГ БАРДАВОМЛИГИ

Мамлакатмиз тиббиёт тизимидаги туб ўзгаришлар инсон саломатлигини муҳофаза қилишда муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилаётганлиги бежиз эмас. Тиббиёт шундай соҳаки, у кутиб туришни ва вақтни бесамар кетишига йўл қўймайди. Охирги йилларда тиббиёт ходимларининг тизимдаги фаолиятлари янада такомиллашиб бормоқда. Айниқса, Давлатмиз раҳбарининг соҳага оид қабул қилаётган меъёрий-ҳужжатларининг замирида инсон саломатлиги мужассам эканлигини кўра-миз. Албатта, улар ижросини таъминлаш ҳар бир соҳа мутахассиси зиммасига катта масъулият юклайди. Шундай экан, ушбу устувор вазифаларни амалга оширишда Тошкент вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказида ҳам бу борадаги фаолиятлар амалга ошириб келинмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 июлдаги “Соғлиқни сақлаш соҳасидаги ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини бажариш мақсадида Тошкент вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказининг маслаҳат диагностика поликлиникаси орқали урология, хирургия, нефрология, травматология, терапия, нейрохирургия йўналишлари бўйича электрон ордер тизими йўлга қўйилди. Шунингдек, Давлатимиз раҳбарининг “Хирургия хизматини трансформация қилиш, ҳудудларда жарроҳлик амалиётлари сифатини ошириш ва қўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини амалга оширишда шифо масканимизга соясиз операцион лампа, нафас йўлининг нақоз аппарати, яримавтоматик биохимик анализатор, ультратовушли скальпель ҳамда лапароскоп тиббий асбоб-ускуналари келтирилди. Яратилган шароит ва имкониятлар боис, марказимизда кам инвазив бўлган лапароскопик, атроскопик амалиётлар жорий қилинди. Жумладан марказимизда кичик инвазив усули билан видеоартроскопия опе-

рациялари Тошкент вилояти Янги йўл туманида яшовчи Достон Умаралиев ва Тошкент вилояти Бекабод туманида истикомат қилувчи Элиза Исроиловаларда муваффақиятли амалга оширилди. Бундан ташқари, кичик инвазив усули асосида видеолапароскопия операциялари Тошкент вилояти фуқарolari Маърифат Исмаилова ва Шарипа Кушеноваларда ҳам ўтказилди. Тиббиёт муассасамизнинг урология бўлимида вилоятда доимий дренаждаги беморларни яъни нефростома ва цистостома-ларни С- дуга рентген назоратида алмаштириш ва Перкутан нефростома қўйиш йўлга қўйилди. Тошкент вилояти ҳокимлиги томонидан Марказни фасад қисмини жорий таъмирлаш мақсадида 500 миллион сўм маблағ ажратилди ва таъмирлаш ишлари бошланди. 2021-2022 йилларда хорижий давлатларда таълим олган мутахассислар ишга қабул қилинди. Хусусан хирургия бўлимида Россия Федерацияси Қрим автоном республикасининг тиббиёт академиясини тамомлаган хирург Ш. Жумаев ва уролог Ф. Урмановлар ишга олинди. Ҳозирда урология бўлимида кам инвазив усулларни йўлга қўйиш мақсадида А. Абдурашидов тран-

суретрал резекция усули бўйича Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт марказида ўқитилди ва урологияда лапроскопия йўналиши бўйича ҳозирда



шифокор А. Султанов малака оширмоқда. Шунингдек, муассасада иш сифатини ошириш ва ракамлаштиришни ривожлантириш мақсадида марказга 20 дан ортиқ моноблок шаклдаги компьютер жамланмалари олинди ва врач ҳамда ҳамшираларда компьютер саводхонлиги оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 15 декабрдаги “Худудий соғлиқни сақлаш муассасаларида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрса-



тармоқли тиббиёт марказида ихтисослаштирилган марказ филиаллари ташкил этилди. Ҳозирги кунда марказда урология, хирургия, нефрология, аллергология, терапия, нейрохирургия филиаллари иш олиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йилдаги 927-сонли қарорига асосан Тошкент вилоятининг 5 та ҳудуди, Хонобод филиали, Чирчиқ, Олмалик, Янгийўл ва Бекабод шаҳарларида гемодиализ станциялари ташкил этилди. Айни кунда 65 та гемодиализ аппаратлари ишламоқда. Тошкент вилояти бўйича 678 нафар бемор гемодиализ сеансларини олади, бир кунда вилоят бўйича 221 та гемодиализ сеанслари амалга оширилади.

тишни янада яхшилаш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги 338-сонли буйруғи ижросини таъминлаш юзасида Тошкент вилояти кўп

Хулоса ўрнида айтишим жоизки, тиббиёт ходимларининг асосий мақсади инсон саломатлигини муҳофаза қилишдек эзгу ишларга қаратилган экан, бу борада амалдаги фаолиятларимизни янада такомиллаштириб, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини янада оширишда бор билим, тажриба ва маҳоратимизни аямаймиз.

Низом АБДУЛЛАЕВ,
Тошкент вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бош шифокорининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари.

Шерали ДЕҲҚОНОВ,
Тошкент вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази мутахассиси.

ИСЛОҲОТ ОДИМЛАРИ

• Сирдарё вилояти

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ УЧУН ҚУЛАЙЛИКЛАР

Янгиерда нефрология, терминал ва ўткир буйрак етишмовчилиги касаллиги билан касалланган беморларни даволашга мўлжалланган бўлим фаолият бошлади

Республикамизда, қолаверса, Сирдарё вилоятида ҳам нефрология, терминал ва ўткир буйрак етишмовчилиги касаллиги билан хасталанган беморлар сони сўнги йилларда кўпайиб ва ёшариб бормоқда. Тиббиёт олимларининг илмий хулосаларига кўра, нефрология, терминал ва ўткир буйрак етишмовчилиги касаллигини қандли диабет, сурункали гломеруло-нефрит ва пиелонефрит ҳамда буйрак поликистоз каби касалликлар келтириб чиқаради. Нефрология, терминал ва ўткир буйрак етишмовчилиги касаллигини олдини олиш ҳамда касалликка чалинган беморларни соғлигини тиклаш, умр кўриш

давомийлигини узайтириш мақсадида Янгиер шаҳар тиббиёт бирлашмасида 10 ўринга мўлжалланган нефрология бўлими ўз фаолияти бошлади. Мазкур бўлимни жорий таъмирлаш ишларига 150 миллион сўм, мейбел ва тиббий жиҳозлаш ишларига 46 миллион сўм, маиший техникаларга 25 миллион сўм, юмшоқ буюмлар учун 10 миллион сўм миқдоридagi бюджет маблағи ҳамда бюджетдан ташқари ишлаб топилган пул маблағи йўналтирилди. Мутахассислар, Республика нефрология тиббиёт марказида ҳамда Сирдарё вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида малака ошириб қайтишди. Энди улар, шу

турдаги касаллик билан хасталанган, даволанишга муҳтож бўлган Ховос, Боёвут, Сардоба туманлари ҳамда Янгиер ва Ширин шаҳар аҳолисига хизмат кўрсатади.

– Бу касаллик кўп ҳолларда меҳнатга лаёқатли, ижтимоий фаол инсонларда учрайди, – дейди Янгиер шаҳар тиббиёт бирлашмаси нефрология бўлими муdiri, нефролог Рустам Тоштемиров. – У аксарият пайтда белгилари намён бўлмай яширин равишда кечади. Аммо терминал буйрак етишмовчилиги келиб чиққанидан кейин касаллик ниҳоятда хавфли тус олади. Терминал ва ўткир буйрак етишмовчилиги билан хасталанган беморларни даволашда фақат икки усул — мунтазам гемодиализ орқали даволаш ва буйрак трансплантацияси самара беради. Яқин



вакт ичида Янгиер шаҳар тиббиёт бирлашмасида яна битта бўлим, гемодиализ бўлими ҳам ўз фаолиятини бошлайди. Бу эса бир вақтнинг ўзида 10 на-

фар, бир йил давомида 300 минг нафар ўткир буйрак етишмовчилиги касаллиги билан хасталанган беморларга тиббий хизмат кўрсатиш имконини беради.

Айни вақтда, жиҳозлаш, келтирилган тиббий аппаратларни ўрнатиш иши кетяпти. Бу эса сурункали буйрак касалига учраган беморларнинг хасталикдан фориғ бўлишига хизмат қилади.

Ғулом ПРИМОВ,
Сирдарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ахборот хизмати

“ЎЗБЕКИСТОН ТИББИЁТИ — ИНСОН ҚАДРИ УЧУН”

ИНСОНЛАРИ ҚАДР ТОПГАН ЮРТ

Хар биримиз ҳам ана шундай қадрли юртда яшаётганлигимиздан фахрланамиз. Мен “Инсонлари қадр топган юрт” иборасини доимий қалбимдан ҳис этиб келаман ва бунинг ҳаётдаги ҳақиқатини кўриб келмоқдаман. Ўзининг одилона сиёсати билан мамлакатимиз тиббиёт тизимига эътибор қаратаётган, қолаверса, халқимиз саломатлиги учун барча шароит ва имкониятларни яратиб бераётган Юртбошимиз раҳнамолигида соҳанинг янада ривожланиб бораётганлиги ҳамда аҳолининг тиббиётга бўлган ишончининг ортаётганлиги қуворнарли ҳолдир.

С Давоми. Боши 1-бетда

Айниқса, Президентимизнинг тиббиёт ходимлари билан ўтказган очик мулоқотлари хар бир соҳа ходими ҳамда халқимиз учун катта имконият бўлди. Ушбу очик мулоқотдан сўнг фаолиятлар янада жадаллашиб, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат кўлами кенгайди. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ташаббуси билан Наманган ва Қашқадарё вилоятларида саломатлик акцияси ўтказилиб, қанчадан-қанча бемор қалбларга қувонч улашилди, дарддан фориғ этилди. Айни кунда мазкур саломатлик акциясининг давоми Сурхондарё вилоятида бўлиб ўтмоқда. Кенг доирада ўтказилган тадбирда Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт марказимизнинг ходимлари ҳам иштирок этишди.

Ўтказилган тиббий кўриклар натижасидан сўнг беморларда мураккаб операция жараёнларини амалга оширдик. Сурхондарё вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида Ангор тумани Қорасув маҳалласида истиқомат қилувчи Чори Юсуповда чап тизза бўғими менискэктомияси, Қумкўрғон тумани Истиклол маҳалласида яшовчи Собир Кароматов ҳамда Бойсун тумани Чилонзор маҳалласи фуқароси Саида Бўроноваларда ўнг тизза бўғими менискэктомияси операцияси амалга оширилди. Шунингдек, Шеробод тумани Бойқишлоқ маҳалласи фуқароси Баратой Раҳмоновада ўнг бўкса бўғими тотал эндопротезлаш ҳамда Урол Абдурахмоновда ўнг чанок сон бўғими тотал эндопротезлаш амалиёти ўтказилди. Бугунги кунда беморларимиз аҳволи яхши.

Тиббий кўрикларда ҳам иштирок этиб, фуқароларга керакли маслаҳат ва тавсиялар берилди. Айрим беморларга марказимизга йўлланма такдим этилди. Албатта, бундай кенг аудиторияда ўтказилган саломатлик акциясида кўплаб аҳоли иштирок этишди. Ҳатто бир неча йиллар дард азобида қийналиб юрган беморлар ҳам дардларига даво топишди. Шу ўринда таъкидлашим жоизки, кўплаб мураккаб операциялар РШТЭИМнинг Сурхондарё филиалида, Республика ихтисослашти-



рилган кўз микрохирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг Сурхондарё филиалида, вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида, вилоят кўп тармоқли болалар тиббиёт марказида ҳам амалга оширилди. Шунингдек, вилоятнинг Олтинсой, Узун ва Денов туман тиббиёт бирлашмаларида ҳам амалиётлар бажарилди. Бу самарали ишларнинг барчаси тиббиётимиз ва соҳа мутахассисларининг ютуғи деб биламан.

Муроджон ИРИСМЕТОВ,
Республика ихтисослаштирилган
травматология ва ортопедия илмий-
амалий тиббиёт маркази директори.

МУРАККАБ БУЙРАК КЎЧИРИШ АМАЛИЁТИ МУВАФФАҚИЯТЛИ БАЖАРИЛДИ

Сурхондарёда ўтказилаётган соғломлаштириш акцияси доирасида ота фарзандига, ака ўз укасига бир буйрагини берди



Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан Сурхондарё вилоятида соғломлаштириш акцияси давом этмоқда. Хусусан, тадбир доирасида Вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида бир қанча оғир беморларда мураккаб буйрак кўчириш операциялари муваффақиятли ўтказилди.

Сурункали буйрак етишмовчилиги билан касалланган беморларнинг кун тартиби, ҳаёт сифати бошқа беморларникидан тубдан фарқ қилади. Уларнинг аксарияти гемодиализ муолажасини олиб юришга мажбур. Музработ тумани Музработ дарвоза маҳалласида яшовчи 27 ёшли Файзулло Чо-

риев ана шундай беморлардан бири эди. Гарчи, ёш бўлса-да, гемодиализ олиш уни анча ҳолдан тойдирганди. Тўғри-да, хар уч-тўрт кунда 4-5 соатлик оғир муолажа хар қандай инсонни қийнаши аниқ. Шундан сўнг бутунлай соғайиб кетсангун хўп-хўп, аммо касаллик яна қайта безовта қилаверса, тушкунликка тушиб қолиш ҳеч гап эмас. Қуворнарлиси, Сурхондарё вилоятида бўлиб ўтаётган соғломлаштириш акцияси Файзуллога ўхшаган қанчадан қанча беморларнинг оғир дардан бутунлай соғайиши учун ажойиб имконият яратди.

– Бундан тўрт-беш ой аввал кон босимим кўтарилиб, бо-

шим қаттиқ оғирийдиган бўлиб қолди, – деди **Ф. Чориев**. – Ҳатто, оғриқнинг зўридан тўшакка михланиб қолдим. Гемодиализ олишни ўйласам, ҳали ҳам юрагим орқага тортади. Бу орада Тошкентдаги академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказига бордик. Тиббий текширувлардан сўнг менда ўткир буйрак етишмовчилиги аниқланди. Шифокорлар зудлик билан операция қилиш лозимлиги, бунинг учун донор кераклигини айтишди. Бироқ ушбу амалиёт жуда қиммат эканлигидан хабар топгач, чорасизликдан нима қилишни, қардан нажот кутишни билмай қолдим. Вилоятимизда ўтказилаётган соғломлаштириш акцияси эса қалбимга яна умид бағишлади. Пойтахтдан келган малакали жарроҳлар икки кун аввал менга буйрак кўчириб ўтказишди.

Ҳозир ўзимни яхши ҳис қиламан. Шифокорларнинг айтишича, яқин кунларда яна соғлом ҳаётга қайтарканман. Бунинг учун уларга, қолаверса, менга бир буйрагини берган жон жигарим – меҳрибон акамга ўз миннатдорлик билдираман.

Вилоятда ўтказилаётган



соғломлаштириш акцияси доирасида ангорлик 35 ёшли Абдулла Тўраевда ҳам мураккаб буйрак кўчириш амалиёти муваффақиятли бажарилди. Донор ҳам бегона эмас – унга отаси, 62 ёшли Тожи Тўраев бир буйрагини берди.

– Кўз олдинда норғулдек ўғлинг дарддан сўлиб бораётганини кўриш оғир, – деди **Т. Тўраев**. – Шукр, барчаси орта қолди. Насиб бўлса, тез кунда фарзандим яна соғлом ҳаётга

Ҳозир бемор А.Тўраев трансплантолог мутахассислар тиббий кузатуви остида бўлиб турибди. Унинг буйрак фаолияти тикланишида ижобий ўзгаришлар кузатилмоқда. Шунингдек, беморга донорлик қилган отаси Т.Тўраевнинг саломатлиги ҳам кундан кун яхшиланиб борапти.

қайтади. Бунинг учун тиббиёт ходимларидан миннатдорман.

Шифокорларнинг таъкидлашича, ушбу бемор бир неча йил гемодиализ муолажаси ёрдамида даволаниб келган. Айни вақтга келиб ташхис терминал босқичга ўтгани сабабли уни ҳаётга қайтаришнинг ягона усули сифатида буйрак кўчириб ўтказиш амалиёти тавсия этилган.

“ЎЗБЕКИСТОН ТИББИЁТИ — ИНСОН ҚАДРИ УЧУН”

БЕМОР ҚАЛБЛАРНИНГ ҚУВОНЧИ ЧЕКСИЗ!

Орамизда якка-ёлғиз, тиббий ёрдамга муҳтож, бироқ имконияти йўқлиги сабабли шифохоналарда даволанишга қурби етмайдиган беморлар йўқ эмас. Бугун давлатимиз томонидан ана шундай юртдошларимизга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилиб, саломатлигини тиклаш учун зарур шароитлар яратиб берилмоқда.



● Охири. Боши 1,4 бетларда

Президентимизнинг тиббиёт ходимлари билан бўлган очиқ мулоқотида белгилаб берилган устувор вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан Сурхондарё вилоятида бошланган соғломлаштириш акцияси айни шу мақсадларни кўзда тутди. Акция доирасида шу кунларда вилоятдаги қатор тиббиёт муассасаларида пойтахтдан келган малакали шифокорлар бошчилигида кўплаб юқори технологияли мураккаб жарроҳлик амалиётлари бажарилмоқда. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Матбуот хизмати ўтказилган ана шундай операциялар туфайли яна соғлом ҳаётга қайтган бир неча беморлар билан суҳбатлашди.

Термиз шаҳар Саховат маҳалласида яшайдиган 64 ёшли Рўзиҳол Хожиеваннинг кўкрак қасасида бундан тўрт ой аввал тўсатдан кучли оғрик пайдо



бўлди. Шундан кейин бир неча тиббиёт муассасасида даво муолажаларини олди. Бироқ кутилган натижа бўлмади. Бу орада эса бемор хасталик туфайли 30 килограммга яқин вазн йўқотди. Вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида ўтказилган сўнгги текширувлардан сўнг унда оғир касаллик – диафрагма чурраси аниқланди. Дастлаб консерватив йўл билан даво усуллари олиб борилди. Аммо охири-оқибатда шифокорлар онахонни опера-

ция қилиш лозим, деган ҳулосага келишди. Энг асосийси, Сурхондарёда ўтказилаётган соғломлаштириш акцияси сабабли бемор даволаниш учун узок йўл босиб, Тошкентга боришига ҳожат қолмади. Аксинча, шифокорларнинг ўзи Термиз шаҳрига, беморлар хузурига келди. Яна бир қувонарли жиҳати, воҳада бундай мураккаб жарроҳлик амалиёти илк бор ўтказилди.

– Кўпчилик танишларим “Пойтахтга бормасанг, тузалмайсан”, дейишганди, бироқ кўриб турганингиздек, оғир хасталикдан шу ернинг ўзида халос бўлдим, – деди **Рўзиҳол опа**. – Бўларкан-ку, Тошкентга бормай, Термизда ҳам даволанса. Бунинг учун шифокор-

ларимизга, соғломлаштириш акциясининг ўтказилишига сабабчи бўлган барча инсоларга ўз миннатдорлигини билдираман.

Бойсунлик 90 ёшли Норхол момо бошига тушган барча синовларни сабр билан енгиб ўтди. Бироқ бир неча йил аввал оғир дардга таслим бўлди. Касаллик кекса беморни тўшакка михлади. Аввалига Норхол момо бошқа хасталик бўлса керак, деб турли муолажалар олиб юрди. Аммо фой-



даси бўлмади. Аксинча, дарди янада зўрайди. Яқинда ўтказилган тиббий текширувлардан сўнг унда коксартроз касаллиги аниқланди. Шифокорлар беморда мураккаб операция ўтказиш лозимлиги, бу амалиёт эса жуда қиммат эканлигини айтганида яқинларнинг иложсизликдан боши қотди. Сурхондарё вилоятида бошланган саломатлик акцияси эса уларнинг қалбига яна ёруғлик олиб кирди.

– Афсуски, бу касалликни деб узок йил азоб чекдим, – деди **Норхол момо Гаффорова**. – Ўрнимдан туролмай, ҳаракатланишга қийналиб яшаётган кунларимнинг бирида пойтахтдан вилоятимизга малакали жарроҳлар келгани, улар мени шу ернинг ўзида бепул операция қилишини айтганида ишонгим келмади. Бироқ ҳаммаси рост экан. Оғир кунимда давлатимиз менга суянч ва далда бўлди. Ҳозир аҳволим яхши. Тўқсон ёшимда Яратган менга яна ҳаёт берганидан хурсандман.

45 ёшли Ўрол Абдурахмонов – Бандихон тумани Обод турмуш маҳалласидан. 3 нафар фарзанди бор. Бундан бир

Маълумот ўрнида айтиш лозимки, тадбир доирасида ҳозиргача вилоятда 100 нафарга яқин оғир беморда давлат хисобидан мураккаб операциялар ўтказилди.

@ssvuz

неча ой аввал қишлоқда бўлган улук чопиш мусобақаси унга анча қимматга тушди. Ўша кун у ўнг оёғидан жиддий жароҳат олиб, бутунлай юролмади қолди. Охири марта ўтказилган тиббий текширувлардан сўнг уни қийнаётган дард суяк емирилиши касаллиги экани, даволаниш учун эндопротезлаш амалиёти зарурлиги, бу операция эса жуда қиммат бўлиб, фақат Тошкентда қилиниши маълум бўлди.

– Очиғи, ўша пайт қаттиқ тушқунликка тушиб қолдим, – деди **Ў. Абдурахмонов**. – Ҳатто, энди юра олмасам керак, деб ўйладим. Чунки моддий аҳволим ўзимга аён. Пойтахтга бориш қаёқда дейсиз, ҳатто маҳаллий шифохоналарда даволанишга ҳам қурбим етмасди. Бундай ноёб операция учун қатта маблағ тўлашни-ку гапирмай кўяқолинг. Шукр, ҳаммаси ортда қолди. Ҳозир аҳволим яхши. Шифокорларнинг айтишича, тез кунда яна юра олар эканман... Сурхондарёда бўлиб ўтаётган соғломлаштириш акцияси давомида дардига дармон топаётган бундай беморлар сафи кенг.

ТУРИЗМ

ФАОЛИЯТГА БЎЛГАН ЭЪТИБОР

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан мамлакатимизда туризмни изчил ривожлантириш истиқболлари, сайёҳлик объектларидан самарали фойдаланиш, юртимизнинг диққатга сазовор жойларига сайёҳлар оқимини кўпайтириш бўйича қабул қилинган қатор қарорларда белгилаб қўйилган вазифалар ижросини таъминлаш ҳар биримизнинг масъулятли вазифамиздир.

Шундай экан, халқимиз учун эзгулик ва мурувват, меҳр-оқибат рамзи ҳисобланган муборак Рамазон ойини муносиб кутиб олиш ва юқори савияда ўтказиш,

маданий қадриятларимизни асраб-авайлаш ва улуглаш бу эзгу анъаналаримиздан бири ҳисобланади.

Бу каби хайрли ишларнинг бардавом бўлиши учун Ўз-

бекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари қасаба уюшмасининг Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан 2022 йил 17 апрель кун Кенгаш тасаруффидаги Республика, шаҳар ва тумандаги аъзо ташкилотларининг 100 нафар кичик тиббий ходимларига Самарқанд вилоятининг тарихий қадамжойларига Кенгаш ҳисобидан 1 кунлик саёҳат уюштирилди. Саёҳат давомида тиббий ходимлари биринчи Прези-

дентимиз ва Амир Темур макбаралари, Регистон, Шоҳи-Зинда мажмуалари, Улугбек расадхонаси, Ходжа Дониёр макбараси, Бибиҳоним Жоме ва Ҳазрати Хизр масжидларини, зиёрат қилишди.

Гулноза **ТОШПҲАТОВА**, Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари қасаба уюшмасининг Тошкент шаҳар Кенгаши раиси.



25-АПРЕЛЬ – БУТУН ЖАҲОН БЕЗГАККА ҚАРШИ КУРАШ КУНИ

ЭҲТИЁТКОРЛИК ЗАРУР


Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг 2007 йил май ойда бўлиб ўтган 60-сессияси қарорига кўра, дунё бўйича ҳар йили 25 апрель-Бутун Жаҳон безгакка қарши кураш кунини сифатида нишонланади. 2019 йилдан буён ушбу кун “Безгакни йўқотиш майдан бошланади” шиори остида нишонланиб келинмоқда. Бутун Жаҳон безгакка қарши кураш кунини - безгак касаллигини юқтириш хавфи, безгак бўйича нохуш ҳудудларга чиқишда шахсий ҳимоя чоралари ҳақида хабардор қилиш, безгакни даволаш мумкинлиги ва аҳолига профилактика чораларини кўриш зарурлигини тўғри кўриш мақсадида эълон қилинди.

Безгак касаллиги ўлимга олиб келувчи хавфли касаллик бўлиб, ҳар йили минглаб инсонлар ушбу касалликка чалинадилар ҳамда тропик ва субтропик давлатларга бориб келган шахслар касалликни юқтириб келиш ҳолатлари кузатишмоқда. Умумжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра 2020 йилда дунёнинг деярли ярим аҳолиси безгак хавфи остида эканлиги маълум бўлди. ЖССТнинг статистик маълумотларига кўра, 2020 йилда дунё бўйлаб 241 миллион аҳоли безгак билан касалланган ва улардан 627 000 нафари вафот этган. Безгак-ўткир юқумли протозой касаллик бўлиб, даврий равишда тана ҳарорати кўтариллиши, талоқ ва жигарни катталашлиши ҳамда камқонлик билан характерланади. Касаллик *Anopheles* чивинини урғочисини чақиши натижасида, ҳамда зарарланган донор қонини куйганда, тўла зарарсизлантирилмаган тиббий асбоблар, безгак билан оғриган ҳомиладор онадан туғиш жараёнида йўлдош орқали юқади. Безгак чивинлари асосан соҳили ботқоқлашган сув ҳавзалари, шолিপоялар, ахлат чиқиндилари тўпланиб қолган, тургун сувли ёки оқими секин ариқлар, сув қувурларининг ишдан чиқиши, ичимлик сувини беҳуда оқиб ётиши натижасида вақтинча вужудга келган сув ҳавзаларида кўпаядилар. Безгак чи-

винларини безгак юқтирмайдиган чивинлардан 45° бурчак остида юзаларга (девор) кўниши билан кўз билан кўриб ажратиш мумкин. Улар асосан кўёш боғандан сўнг ҳамда эрталаб саҳарда одамларга хужум қилиши мумкин. Инсонларда безгак касаллигини чакирувчиларни 5 тури мавжуд шулардан *P. falciparum* ва *P. Vivax* - турли одамлар учун хавфли тури ҳисобланади. Африка минтақасида жойлашган давлатларда кенг тарқалган. Охириги йилларда Жанубий-Шарқий Осиё давлатларида бешинчи тур безгак кўзгатувчиси - *Plasmodium knowlesi* аниқланган. Ҳар бир кўзгатувчи ўзининг клиникаси, эпидемиологияси ва лаборатория диагностикаси билан бир-биридан фарқ қилади.

Касалликни яширин даври 7 кундан 3 йил ва ундан узоқроққа чўзилиши мумкин. Касаллик одатда қалтирашдан бошланади. Лоҳаслик, дармонсизлик, бош ва бел оғриғи, кўнгил айниш, иштаҳа ёмонлашиш ҳоллари қайд қилинади. Биринчи хуруж қилиш тана ҳароратининг 38-39 °C ва ундан ҳам ошиши билан бошланади. Нотўғри иситмалаш бир неча кун давом этиши мумкин. Биринчи ҳафтанинг охирига келиб кўп ҳолларда безгак хуруж қилишининг қалтираш, иссиқлик ва терлаш билан кўринадиган тўғри такрорланиши кузатилади. Хуруж қилиш одатда кундуз кунлари, ҳар сафар бир

вақтда бошланади, бу дифференциал ташхис белгиларининг биридир. Типик безгак хуружи каттик қалтироқ тутиши билан бошланади, 15 дақиқадан 2-3 соатгача давом этади. Бу вақтда касаллар ўзида совқотиш ва қалтираш ҳолларини сезади. Улар исимади ва кўрпа ичида ҳам қалтирайди. Тери ва кўринадиган шиллик пардалар оқаради. Тана ҳарорати тез кўтарилади, 40 °C га етади ва ундан ҳам ошади. Нафас олиш тезлашади, кўнгил айниш ва қусиш ҳоллари бўлиши мумкин. Қалтироқ иссиқлик билан алмашинади, касалларни чанқок қийнайди, улар тинчлигини йўқотади, кўрпани устидан олиб ташлайди. Иссиқлик даври 2-6 соат давом этади ва терлаш даври билан алмашинади. Тер жуда кўп чиқади ва беморни бир неча марта ички кийимларини алмаштиришга тўғри келади. Тана ҳарорати меъёрлашади ва ундан ҳам паст тушади. Бемор дармонсиз бўлсада енгиллик сезади. Агар шундай касаллик белгилари намён бўлганида албатта тиббий ёрдамга мурожаат қилиш керак. Тўғри ташхис қўйиш учун қонни безгакка текшириб кўриш шарт. Қонда безгак паразитлари аниқланган ҳолда даволаш муолажаларини тезда бошлаш керак. Безгакни даволаш учун самарали дори-дармон воситалари мавжуд. 2021 йил октябр ойдан Умумжаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти *P. falciparum* тропик безгак касаллиги кенг тарқалган тропик давлатлардаги болаларга RTS,S/AS01 безгакка қарши вакцина қўллашни тавсия этади. Вакцина болалар ўртасида касалликни кескин камайганлигини исботлади. Охириги 20 йил ичида Умумжаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти Бош директори томонидан 13 дан ортиқ давлатларга безгак ка-



саллигидан ҳоли ҳудуд сертификати берилган. Республика-миз 2018 йилнинг декабрь ойида маҳаллий аҳоли ўртасида безгак касаллиги тугатилганлиги тўғрисида Умумжаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти томонидан тасдиқланган сертификатга эга бўлган. Лекин безгак чивинлари кўпайиши учун қулай табиий иқлим шароитлари, аҳолининг жадал миграцияси Республика ҳудудида инфекция юқиш ва тарқалиш хавфини кучайтиради.

Касаллик Республика ҳудудида безгак касаллиги бўйича эндемик бўлган давлатларга бориб келган маҳаллий фуқаролар ҳамда хорижий фуқаролар (сайёҳлар, тадбиркорлар, спортчилар) томонидан ташиб келтирилиш ҳолатлари учрамоқда. 2022 йилда Того давлатидан ташиб келтирилган тропик безгак касаллиги, 2021 йилда эса Камерун давлатидан ташиб келтирилган тропик безгак, Ҳиндистон давлатидан ташиб келтирилган 3 кунлик безгак касаллиги рўйхатга олинган. Ўзбекистон Республикасида безгак муҳофазасига қаратилган тадбирлар мажмуаси соғлиқни сақлаш ти-

Агар сиз сўнги 3 йил ичида Осиё ва Африканинг иссиқ иқлимли мамлакатларида сафарда бўлган бўлсангиз, сизда тана ҳароратини кўтариллиши ёки ҳар қандай касаллик аломатлари бўлса бу ҳақда шифокорни огоҳлантиришни эсдан чиқарманг. Қанчалик эрта мурожаат қилсангиз ўзингизни ва оила аъзоларингизни ушбу касалликдан ҳимоя қилган бўласиз. Да-волаш муассасаларига ўз вақтида мурожаат қилмаслик оғир асоратларга ҳатто ўлимга ҳам олиб келиши мумкин.

С. ЦАЙ

Ўзбекистон республикаси санитария эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати паразитар касалликлар бўлими бош мутахассиси.

ФАН УФҚЛАРИ

• Наманган вилояти

ЮҚОРИ ТЕХНОЛОГИЯЛИ ЖАРОҲАТСИЗ ЖАРРОҲЛИК

Тиббиётга юқори технологияларни қўллаш борасида нафақат мамлакатимиз пойтахтида, балки Наманган вилоятида ҳам дадил қадамлар ташланмоқда. Чунончи, вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази жамоатининг Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказлари мутахассислари билан ҳамкорлигининг кейинги пайтларда гоят қувончли самаралари кўзга ташланмоқда.

Сўнги янгиликка академик Восит Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг Наманган филиалида қўл урилди. Марказ директорининг тиббиётга юқори технологияларни жорий этиш бўйича ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори, профессор Шухрат Ҳошимов бу галги ташрифидан наманганлик ҳамкасбларига янги амалиётдан маҳорат сабоқларини берди.

Наманган шаҳрида яшовчи 58 ёшли Мавлудохон Мўминова диафрагмия кизил

ўнғач тошли чурраси билан озор чекиб келар экан, бу дарддан ниҳоят халос бўлиш фурсати етди. Мураккаб амалиётнинг жароҳатсиз ўтказилишини эшитган беморнинг кўнгли тоғдек кўтарилди.

– Операцияга тайёргарлик олдидан дардман аёл билан мулоқот чоғида янги технологиянинг афзалликлари, айниқса, жароҳатсиз ўтиши ҳақида гаплашганимизда беихтиёр унинг кўзларида умид ишончлари чақнади, ташвиши хавотирлари тарқаб кетди, – дейди Шухрат Хуршидович. – Лапароскопик усул – жароҳатсиз амалиёт ўтказиш им-

конини яратади-да. Янаям аниқроғини айтсам, махсус асбоб билан қориннинг олд қисмидан кичкина тугмадек тешик очиб, инсон ичига “кириб борилади”. Аъзодаги нуксон бартараф этилади. Эндоскоп ёрдамида текширилган жойда хирургик амалиётга киришилади. Операция якунлангач, асбоблар яна туйнукдан озорсиз чиқариб олинади. Беморнинг бошқа аъзоларига сира зиён-заҳмат етмайди.

Дарҳақиқат, бемор Мавлудохон Мўминованинг кизил ўнғач чурраси бартараф этилгач, кўп вақт ўтмай кўзини очди ва ўзини ҳаётга қайтадан келгандек ҳис қилди.

Иккинчи бемор мингбулоқлик 27 ёшли Нигора Жавҳарова экан. Унга спленомегалия ташхиси қўйилган бўлиб, талоғи шишиб, катталашиб кетган. Жигарига ортиқча “юк тушиб” каттик оғриқ азобини тортиб юрган. Қони тобора камайиб жу-

да-жуда ҳолсизланган. Нигора ҳам шифобахш лапаротомия усули орқали дарддан осонгина қутилди.

– Энг муҳими ҳар икки бемор имтиёзли равишда саломатликларини тиклашмоқда, – дейди вилоят кўп тармоқли маркази хирургия бўлими мудир Кўёшбек Йўлдошев. – Аслида бундай амалиёт ноёб ва қиммат туради. Лекин барча ҳаражат давлат томонидан қопланаётгани уларнинг қувончини икки қарра орттириб юборди, десак асло муболага эмас. Ўзлари ҳам, яқинлари ҳам янги Ўзбекистондаги тиббий ислохотлар туфайли саломатликларини тезда тиклаб, соғлом кишилар сафига қўшилишганидан беҳад миннатдор эканликларини изҳор қилмоқдалар. Шифобахш лапароскопия соҳасидаги янгиликлар бундан кейин ҳам давомли бўлиши таъминланаверади.

Содиқ САЙХУН.

ВСЕМИРНЫЙ ДЕНЬ ГОЛОСА

16 – апреля Всемирный день голоса

БЕРЕГИТЕ СВОЙ ГОЛОС!

16 апреля отмечается праздник, название которого первоначально вызывает ассоциации на тему вокальных способностей человека.



Речь идёт о Всемирном дне голоса (World Voice Day). В действительности этот праздник, идея отмечать который появилась в конце 1990-х годов, посвящён феномену голоса человека и его роли в жизни людей. Инициатором учреждения международного праздника выступила Американская Академия отоларингологии.

Цель учреждения Международного дня голоса – привлечение внимания врачей-специалистов, а также всех людей на Земле к феномену человеческого голоса – дару, позволяющему людям общаться, выражать свои эмоции и чувства, радовать красотой звучания и т.д.

Голос, говоря простыми словами, – это способ общения, с помощью которого мы, люди, можем выражать свои эмоции, мысли и интеллект в произнесенных словах. Доктор Смига Нагаонкар, консультант и координатор секции, ЛОР, больница и исследовательский центр фонда Sir HN Reliance Foundation, рассказывает о некоторых проблемах, о которых люди должны знать, когда речь идет о здоровье их голоса.

Как создается голос?

Звук вашего голоса создается вибрацией голосовых связок, которые представляют собой две полосы гладкой мышечной ткани, обращенные

друг к другу в гортани. Когда вы не говорите, ваши голосовые связки открыты, чтобы вы могли дышать. Однако, когда приходит время говорить, мозг организует серию событий. Голосовые связки соединяются, когда воздух из легких проходит через них, заставляя их вибрировать. Вибрации производят звуковые волны, которые проходят через горло, нос и рот, которые действуют как резонирующие полости для модуляции звука. Качество вашего голоса (его тон, громкость и высота тона) определяется размером и формой голосовых связок и резонирующих полостей. Вот почему голоса людей звучат так по-разному.

Когда у вас могут быть проблемы с голосом?

Если вы ответите «да» на любой из следующих вопросов, у вас могут быть проблемы с голосом:

- Ваш голос стал хриплым?
- Вы потеряли способность брать высокие ноты во время пения?
- Голос вдруг стал глубже?
- Часто ли вы чувствуете боль или стеснение в горле?
- Говорить стало тяжело?
- Вы ловите себя на том, что постоянно прочищаете горло?

Причины проблем с голосом варьируются от простых

до сложных заболеваний, которые можно лечить с помощью простых лекарств, терапии речи и глотания или хирургического вмешательства. «Мы работаем с пациентами других специалистов, у которых есть проблемы с речью и глота-



нием, например, с неврологическими заболеваниями, после операций на голове и шее, медицинской онкологией, гастроэнтерологией и пульмонологией. Мы активно участвуем в FEES (фиброоптической эндоскопической оценке глотания), которая представляет собой тест, который проводится для оценки глотания. Затем следует целенаправленная речевая и глотательная терапия. Это очень помогло улучшить качество ухода за пациентами», – рассказал д-р Нагаонкар.

Вот несколько советов, как позаботиться о своем голосе:

- * Оставайтесь гидратированными:
 - пейте много воды, особенно когда вы тренируетесь.
 - Если вы пьете напитки с кофеином или алкоголем, сбалансируйте потребление большим количеством воды.
- * Делайте голосовой покой: отдыхайте в течение дня. Ведите здоровый образ жизни и диету.
- * Не курите и избегайте пассивного курения (рядом с курящим). Дым раздражает голосовые связки. Также рак голосовых связок чаще наблюдается у курящих людей.
- * Избегайте употребления острой пищи. Острая пища может привести к тому, что



тических изменениях или лекарствах, которые могут помочь уменьшить обострения.

Используйте свой голос с умом

* Старайтесь не злоупотреблять своим голосом. Избегайте говорить или петь, когда ваш голос хриплый или усталый.

* Дайте отдых своему голосу, когда вы больны. Болезнь оказывает дополнительную нагрузку на голос.

* Избегайте использования крайностей вашего вокального диапазона, таких как крик или шепот. Слишком громкая или слишком тихая речь может навредить вашему голосу.

* Практикуйте правильную технику дыхания во время пения или разговора. Поддержите свой голос глубоким грудным дыханием, а не полагайтесь только на свое горло. Певцов и ораторов часто учат упражнениям, которые улучшают этот тип контроля дыхания. Говорить горлом, без поддержки дыхания, оказывает сильное давление на голос.

* Избегайте разговоров в шумных местах. Попытка говорить выше шума вызывает напряжение в голосе.

* Людям, которые испытывают проблемы с голосом и речью, следует подумать о голосовой терапии. С правильными техниками, которым обучают речевые и глотательные терапевты, можно решить большинство проблем.

желудочная кислота будет подниматься вверх по горлу или пищеводу, вызывая изжогу или ГЭРБ.

* Включите в свой рацион большое количество цельнозерновых продуктов, фруктов и овощей. Эти продукты содержат витамины А, Е и С. Они также помогают поддерживать здоровье слизистых оболочек горла.

* Чаще мойте руки, чтобы не простудиться или не заболеть гриппом.

* Уделяйте достаточно времени для отдыха. Физическая усталость негативно влияет на голос.

* Регулярно делайте физические упражнения. Упражнения повышают выносливость и мышечный тонус. Это помогает обеспечить хорошую осанку и правильное дыхание, необходимые для правильной речи.

* Если у вас постоянная изжога или ГЭРБ, поговорите со своим врачом о ди-

Среди наиболее интересных и необычных методов осознания важности голоса в повседневной жизни можно назвать способ, предложенный британскими специалистами и названный «Час тишины», когда во время повседневной активности или работы предлагается прекратить использовать голос на один час и попытаться решить все возникшие за это время вопросы, задачи и проблемы без его использования.

Calend.ru.

ЗДОРОВЫЙ ОБРАЗ ЖИЗНИ

ВЕЛОСИПЕД ПОМОЖЕТ ЖЕРТВАМ
МЫШЕЧНОЙ ДЕГЕНЕРАЦИИ

Регулярные велосипедные прогулки улучшают подвижность пациентов, страдающих от миотонической дистрофии – генетического расстройства, вызывающего дегенерацию мышц. Для достижения этого эффекта достаточно было ездить на велосипеде по 35 минут трижды в неделю на протяжении трёх месяцев. Это уже приводило к улучшению спортивных показателей среди жертв миотонической дистрофии на 32%. Также ставшие добровольцами в ходе этого исследования пациенты наблюдали увеличение

Регулярные велопрогулки помогают пациентам, страдающим от дегенерации мышц, повысить свою мобильность. К такому выводу пришли канадские ученые из Университета Макмастера.

мышечной массы, в среднем, на 1,6 кг и сокращение количества жира в теле на 2%. Наконец, они смогли преодолеть расстояние дополнительно в 47 м за 6 минут во время теста к концу периода наблюдения. Правда, исследование не назовёшь масштабным, в нем приняли участие только 11 пациентов с ми-

отонической дистрофией. Авторы этого эксперимента изучали молекулярные механизмы, в соответствии с которыми физические нагрузки укрепляют скелетные мышцы, ослабевающие в результате дистрофии. Установлено, что физические нагрузки действительно являются лекарством, и необходимо грамотно

им пользоваться. Тем более, что никаких побочных эффектов оно не имеет. Миотоническая дистрофия является прогрессирующим состоянием, которое усложняется человека в инвалидное кресло. Назван простой и эффективный способ затормозить его развитие.

Алексей МУЗЫЧУК.



ДАВЛАТ ТИББИЙ СУГУРТАСИ ЖАМҒАРМАСИ ФАОЛИЯТИДАН

ИНСОНЛАР САЛОМАТЛИГИНИ АСРАШ – ЭЗГУ ФАЗИЛАТДИР

Саломатлик – инсоннинг бирламчи эҳтиёжи, истаги. Шу боис, давлатимиз раҳбари бу масалага алоҳида эътибор қаратиб, соҳани изчил ривожлантириб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги “Соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишининг янги модели ва давлат тиббий сугуртаси механизмларини Сирдарё вилоятида жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорига мувофиқ аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг сифати, самарадорлиги ва оммабоплигини ошириш, бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўламини кенгайтириш, соҳага босқичма-босқич тиббий сугурта тизимини жорий этиш, тиббий хизматлар бозорида замонавий рақобат муҳитини яратиш, шу асосда аҳолининг кафолатланган ва сифатли тиббий ёрдам олиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида 2020 йил 1 декабрда Давлат тиббий сугуртаси жамғармаси ташкил этилди.

Давлат тиббий сугуртаси тизимини жорий этишдан асосий мақсад, касалликларнинг олдини олиш, эрта аниқлаш, тиббий ёрдам кўрсатишнинг бирламчи бўғинида малакали ва сифатли хизматлар кўрсатишни ташкил этиш, аҳолининг саломатлик даражаси, ўртача умр кўриш давомийлигини ошириш, тиббий сугуртани жорий қилиш, бошқариш, кафолатланган пакет бўйича кўрсатилган тиббий хизматларни молиялаштириш, ажратилаётган маблағлар самарадорлигини назорат қилишдан иборат. Бозор иқтисодиёти шароитида бирор соҳа, жумладан, соғлиқни сақлаш ҳам самарали молиялаштириш тизимисиз ривожлана олмайди. Давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида” ги фармони билан тасдиқланган Концепцияда соғлиқни сақлаш соҳасини молиялаштиришни тубдан ислоҳ қилиш, тиббий сугуртага оид қонун қабул қилиш, ушбу тизимни 2021 йилдан Сирдарё вилоятида тажриба синов тарикасида кўллаш ҳамда 2025 йилгача Республика миқёсида тиббий сугурта тизимини босқичма-босқич жорий этиш вазифалари берилган. Жорий йилнинг 14-15 апрель кунлари жамғарманинг ҳудудлардаги бош мутахассислари учун Сирдарё вилояти ва Тошкент шаҳрида “Сирдарё вилоятида Давлат тиббий сугуртаси механизмларини жорий этиш тажриба синов лойиҳасини ўрганиш” га доир амалий ўқув семинарлар ўтказилди. Ўқув семинарида Давлат тиббий сугуртаси жамғармасининг ижро этувчи директори Фаррух Шарипов сўзга чиқиб, Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида 18 март кунини “Тиббиётдаги ислохотлар – инсон қадрини учун” мавзусида бўлиб ўтган очик мулоқотда берилган топшириқлар ижросини таъминлаш, Давлат тиббий сугуртаси тизимини жорий этиш, бошқариш ҳамда ушбу соҳада ягона давлат сиёсатини амалга оширишда идоралараро ҳамкорликни амалга ошириш бўйича атрофлича тўх-

талиб, аниқ тизимли ишлар борасида кўрсатмалар берди. “Мамлакатимизда инсон саломатлиги ва унинг турмуш фаровонлигига бўлган эътибор кундан-кунга ўз самарасини бериб келмоқда. Айниқса, шифо масканларида аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ошиб, фуқаролар, қолаверса, даволанувчилар учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Айниқса, фуқароларни давлат томонидан тиббий сугурталаш масаласи Президентимизнинг 2020 йил 12 ноябрда қабул қилинган “Соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишнинг янги модели ва давлат тиббий сугуртаси механизмларини Сирдарё вилоятида жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорига ўз аксини топди. Унга кўра, Давлат тиббий сугурта жамғармаси ташкил этилди. Бизнинг асосий вазифамиз давлат тиббий сугуртаси тизимини жорий этиш, бошқариш ҳамда ушбу соҳада ягона давлат сиёсатини амалга оширишда идоралараро ҳамкорликни таъминлаш. Аҳолининг барча қатламларини давлат томонидан кафолатланган пакет доирасида сифатли ва зарур тиббий ёрдам билан таъминлаш мақсадида тиббий хизматлар стратегик хариди тизимини жорий этишда иштирок этишдан иборат. Шунингдек, Сирдарё вилоят соғлиқни сақлаш тизимида 2021 йилнинг 1 июлидан 2022 йилнинг охирига қадар тажриба синов тарикасида соғлиқни сақлаш тизимини янги модели ва молиявий механизмларини синовдан ўтказиш. Тажриба синов лойиҳаси давомида Сирдарё вилоятининг 236 та маҳалласини қамраб олиш учун 421 та тиббий бригада ташкил этилди. Ҳар бир бригадига оила шифокори, амалиёт ҳамшираси, доя ва иккита патронаж ҳамшира бириктирилди. Аҳоли ўзи бириктирилган тиббиёт муассасасига (оилавий поликлиника, оилавий шифокор пункти) мурожаат қилса, кафолатланган пакет доирасида тиббий хизмат ва дори воситалари билан бепул таъминланмоқда. Тор соҳа мутахассиси кўри-

гига зарурат бўлганда йўланма асосида туман ёки шаҳар тиббиёт бирлашмасидаги марказий кўп тармоқли поликлиникага йўналтирилади. Бунда тиббий текширувлар ва тор соҳа мутахассисларининг кўриги бепул ўтказилади. Агар фуқаро тор соҳа мутахассисига йўланмасиз мурожаат қилса, хизматлар пуллик асосда амалга оширилмақда. 2022 йил 1 январдан бошлаб давлат буюртмаси асосида даволанган беморларга кўрсатилган тиббий хизматлар сифатини баҳолаш ҳамда унинг тасдиқланган стандартларга мувофиқлигини, ушбу мақсадларга учун ажратилган бюджет маблағларини бошқариш, уларни самарадорлигини доимий мониторинг ва назорат қилиш Давлат тиббий сугуртаси жамғармаси томонидан амалга оширилади. Жорий этилаётган янги тизим, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ва кўламини янада ошишига, касалликларни олдини олиш ва эрта аниқлашда, аҳолининг ўртача умр кўриш даражасини узайтиришга, тиббий хизмат кўрсатишда соғлом рақобат муҳити яратишда ҳамда янги тизим сабаб оилавий шифокорларни обрўси орттиришга хизмат қилади. Ҳозирги кунда тизимни ахборотлаштириш, бирламчи тиб-



монидан ҳеч қандай тўлов амалга оширилмаседа, давлат тиббий муассасасида бепул даволанаётган беморнинг харажатлари бюджет маблағлари ҳисобидан қопланади. Юқори малака ва технологиялар талаб қиладиган тиббий хизматлар кўламини ҳам кенгайтмоқда. Авваломбор, ҳудудларда 23 та ихтисослаштирилган тиббиёт марказларининг юздан ортик филиаллари фаолият бошлади. Натижада илгари пойтахтда амалга оширилган 210 турдаги операция ва ташхисларни маҳаллий шифохоналарда ўтказиш имконияти яратилди. 130 турдаги жарроҳлик амалиётлари вилоят шифохоналарида, 60 тури эса туманларда биринчи марта йўлга қўйилди. Кафолатланган пакет асосида тиб-

дудлари қамраб олинади”.

Иштирокчилар Гулистон шаҳридаги 3, 4-оилавий поликлиникаларда бўлиб ҳамшира ва шифокорлар билан тажриба алмашди. Улар оилавий шифокорларга аҳолини бириктириш, оила шифокори қабулига олдиндан навбатга туриш, тор соҳа мутахассисларига йўланма бериш тартиби, шифохонага ётқириш мезонлари билан ҳам яқиндан танишди. Семинарнинг иккинчи кунини иштирокчилар давлат тиббий сугуртаси жамғармасида бўлиб, 2021 йил 25 майдаги “Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарорнинг 11-банди ва 2021 йил 28 июлдаги “Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарор ижроси ҳамда Давлат тиббий сугуртаси жамғармаси томонидан Республика миқёсида 52 та тиббиёт муассасаси билан тузилган шартномалар борасида семинар ўтказилди. Давлат тиббий сугуртаси жамғармаси маблағлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 26 февралдаги ПФ-3214-сон Фармони 2-илловаси билан тасдиқланган имтиёзли тоифадаги шахсларга ҳамда Адлия вазирлигида 2022 йил 9 февралда 3348-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан даволанадиган касалликларни даволаш учун кўзда тутилганлиги, барча беморлар тўғрисидаги маълумотлар IT-MED дастурида электрон навбат орқали жойлаштирилганлиги, mis.ssv.uz дастурида ишлаш тартиби, QR-кодли йўланмаларни шакллантириш, ҳужжатларни расмийлаштириш, ҳудудий бош мутахассислар фаолиятини тўғри ташкиллаштириш, сифат ва самарадорлиги ошириш борасида маҳорат дарслари ўтказилиб, аниқ кўрсатма ва топшириқлар берилди.

Зафар ШАРИПОВ,
Давлат тиббий сугуртаси жамғармаси Бухоро вилояти ҳудудий бош мутахассиси.

ЭЪТИБОР БЕРИНГ

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, (февраль, март, апрель) ўтган давр мобайнида Давлат тиббий сугуртаси жамғармаси бюджет маблағлари ҳисобидан Бухоро вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказида 54 нафар бемор, Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт марказида 65 нафар бемор ҳамда Бухоро вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида 23 нафар беморга жами 142 нафар беморларда юқори технологик операциялар бажарилди тиббий хизматлар кўрсатилди.

бий санитария ёрдами муассасалари тиббиёт ходимлари фаолиятини баҳолаш ва рағбатлантириш, ҳар бир тиббиёт муассасаси даражасида давлат томонидан кафолатланган тиббий хизмат ва дори воситалари пакетини ишлаб чиқиш ишлари тизимли равишда олиб борилмоқда. Эҳтиёжманд аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш бўйича очик ва шаффоф тизимга ўтилди. Энди ихтисослаштирилган марказларда бепул даволанадиган касалликлар рўйхати шакллантирилиб, тиббий ёрдам учун йўланма ҳақиқий эҳтиёжи бор аҳолига “электрон навбат” асосида берилмоқда. Энг муҳими, бу тизимга асосан, маблағлар шифохонага эмас, балки аниқ беморга ажратилмоқда. Бепул тиббий хизмат дегани - нисбий тушунча, яъни тиббий сугурта учун фуқаролар то-

бий хизматлар кўрсатишга нодавлат тиббиёт ташкилотлари ҳам жалб қилинади. Бунда ажратилган бюджет маблағларининг самарадорлиги ва натижадорлиги Жамғарма томонидан доимий мониторинг қилиб борилиши кўрсатилган. Шу тарихи кафолатланган пакет асосида аҳолининг барча қатламларига сифатли ва тўлиқ тиббий ёрдам кўрсатилишини молиялаштиришга қаратилган давлат тиббий сугуртаси механизмлари уч босқичда амалга оширилади. Энг аввало, Сирдарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси тизимдаги барча тиббиёт муассасаларида, 2023 йилга бориб, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент, Самарқанд, Навоий, Сурхондарё ҳамда Фарғона вилоятларида мазкур тажриба кўлланилиб, 2025 йилда эса юртимизнинг барча ху-

Газета муассиси: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Бош муҳаррир Амрилло ИНОЯТОВ
Бош муҳаррир ўринбосари Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Таҳририятга келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Манзилми: 100060, Тошкент шаҳри, Истикбол кўчаси, 30 уй, 2-қават.
Тел/факс: (71)233-13-22, тел.: (71)233-57-73. Газета 2009 йил 11 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0015-рақами билан рўйхатга олинган.

Газета материаллари таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Адади 663 нусха.
Буюртма Г-440

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.